

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01  
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОСИРОВА ЗАРИФАХОН ҒУЛАМЖОНОВНА**

**ТУТНИ ПАРВОНА (*GLYPHODES PYLOALIS* W.) ДАН ЗАҲАРЛИ  
БЎЛМАГАН ВОСИТАЛАР ЁРДАМИДА ҲИМОЯ ҚИЛИШ  
ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Носирова Зарифахон Гуламжоновна**

Тутни парвона (*Glyphodes pyloalis* W.)дан захарли бўлмаган воситалар  
ёрдамида химоя қилиш тизимини яратиш..... 3

**Носирова Зарифахон Гуламжоновна**

Разработка системы защиты шелковицы от тутовой огневки (*Glyphodes  
Pyloalis* W.) с помощью неядовитых средств..... 20

**Nosirova Zarifakhon G'ulamjonovna**

Development of mulberry tree protection system from mulberry pyralid  
(*Glyphodes Pyloalis* W.) with nontoxic devices ..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 05/30.12.2019.Qx.13.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОСИРОВА ЗАРИФАХОН ҒУЛАМЖОНОВНА**

**ТУТНИ ПАРВОНА (*GLYPHODES PYLOALIS* W.) ДАН ЗАҲАРЛИ  
БЎЛМАГАН ВОСИТАЛАР ЁРДАМИДА ҲИМОЯ ҚИЛИШ  
ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Qx304 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Анорбаев Азимжон Раимқулович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ходжаев Шамиль Турсунович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор <b>Бобобеков Қаландар</b> биология фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc. 05/30.12.2019.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_, соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tgau-info@edu.uz](mailto:tgau-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (539097-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси 2-уй, Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «20» декабрдаги 056-рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**Я.Х.Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., профессор

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон бозорида ипак толаси қимматбаҳо хомашё сифатида баҳоланади. Ушбу маҳсулотни етиштириш бўйича Хитой давлати етакчилик қилиб, йилига 158,4 минг тонна, Ҳиндистон 30,3 минг тонна, Ўзбекистон 19,2 минг тонна ва бошқа давлатлар эса 2,7 минг тонна, дунё бўйича жами 192,6 минг тонна пилла хом ашёси етиштирилади<sup>1</sup>. Шу билан бирга тут дарахтида зараркунанда сифатида 300 дан ортиқ турдаги зарарли организмлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 20 тури асосийлари ҳисобланади ва тут ҳосилининг ўртача 34,2% ёки 4500 кг/га яшил масса нобуд бўлиши кузатилади.

Дунёда пилла хом ашёсини етиштиришда тут дарахтлари барглари асосий озуқа тури ҳисобланиб, улардан олинadиган ҳосил сифати ва ҳажми пиллачилик тараққиётининг асосий манбаи ҳисобланади. Аммо етиштирилаётган ҳосилнинг 37,0 фоизи зараркунандалар туфайли йўқотилмоқда ёки улардан ҳимоя қилиш учун қўлланаётган усул ва воситалар етарли самара бермаяпти. Жумладан, дунёда тут дарахтида асосий учрайдиган зараркунандалар унсимон қурти (19,21%), трипслар (17,18%), окқанотлар (12,62%), қандалалар (9,08%) ва тангақанотли ҳашаротлар (8,24%) ҳисобланади. Эндиликда ушбу зараркунандаларнинг зарарини камайтириш етиштирилаётган тут ҳосилини сақлаб қолишда экологик соф усул ва воситаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимиз ипак толаси етиштириш бўйича дунёда юқори ўринларни эгаллаб, 2019 йил мавсумида 19,2 минг тоннадан ортиқ пилла хом ашёси етиштирилган ва 65,2 млн. АҚШ доллариға экспорт қилинган. Пилла етиштириш ҳажмини оширишда тут дарахтлари асосий манба сифатида хизмат қилиб, уларнинг майдонини кўпайтириш талаб этилади. Бугунги кунда республикада тутлар 43,9 миллион тупни, тутзорлар майдони 43,4 минг гектарни ташкил этади. Аммо, мавсумда тут дарахтлари баргларининг катта қисми тут парвонаси (*Glyphodes pyloalis* Walker) билан кучли зарарланади. Шу боис зараркунандага қарши кураш гуруҳлари ташкил этилган. Ушбу зараркунанда республикамиз ҳудудида дастлаб 1993 йили қайд қилинган бўлсада, деярли барча тутзорларга тарқалиб улгурган. Тут парвонасига қарши кураш бўйича бир нечта илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолият олиб бориб, зараркунанданинг биологик хусусиятлари ва унинг миқдорини бошқариш бўйича маълум даражада натижалар олинган. Аммо мавсумда зарарланган тут баргларининг ипак қуртларига маълум миқдорда озиқа сифатида берилиши ипак сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Шу

<sup>1</sup> Global Silk Industry statistics Sericultural Comission, 2016. <http://inserco.org/statisticis>.

сабаб зараркунанда миқдоринини бошқаришда экологик ҳавфсиз усул ва воситаларни аниқлаш, амалиётда кенг қўллаш асосида ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 мартдаги 148-сон «Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати тузилмасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлдаги «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-484-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4411-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тут парвонасининг биологик хусусиятлари, зарарлилик даражаси ва қарши кураш чоралари бўйича ҳорижнинг етакчи олий ва илмий-тадқиқот муассасалари олимларидан Покистонда Frouzan Piri Aliabadi, Ahad Sahragard, АКШда Н.Honda, Т.Ando, Y.Ogura, Т.Teramane, Y.Jaafari Khaljiri, V.Rezaei, M.Oftadeh, J.J.Sendi, A.Zibae, В. Valizadeh Японияда К.Takahashi, К.Watenade, М.Sato, В.К.Yupta, М.Kikuchi, Ҳиндистонда Vijay Veer, V.Mittal, I.Illahi, А.Dhar, М.А.Khan Mittal, Хитойда D.S.Kim, J.H.Lee ҳамда Россияда А.Н.Полтавский, Е.В.Ильина, С.Н.Мярцева, МДХ мамлакатлари олимларидан Грузияда Ш.Канчавели, Л.Канчавели, М.Парцвания, Т.Х.Шамиев, Тожикистонда С.М.Мухитдинов, С.С.Рахмадовлар, З.Б.Самадовалар тадқиқотлар олиб боришган.

Ўзбекистонда тут парвонасининг биологик хусусиятлари, тарқалиши, зарарлилик даражаси, улар миқдорини бошқариш усуллари бўйича Ш.Т.Хўжаев, М.У.Ҳакимов, М.Ҳ.Аҳмедов, М.Р.Шерматов, тут парвонасининг табиий кушандалари, кўпайтириш ва қўллаш самарадорлигини аниқлаш бўйича Х.Х.Кимсанбоев, А.Ҳамраев, С.Р.Мадяров, М.Х.Аҳмедов, М.Ю.Осупова, Г.С.Мирзаева, Д.Холматов, зарарланган тут баргларининг ипак куртига таъсири бўйича Ў.Кўчқоров, Ф.Одилов ва бошқалар илмий-тадқиқотлар олиб боришган.

Тут парвонасининг келиб чиқиши ва зарари бўйича сўнгги маълумотларга тўхталадиган бўлсак, бу соҳада бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Бу адабиётларда ҳам бугунги кунда тут парвонасининг куртлари тут дарахти баргларининг энг ашаддий зараркунандаси эканлиги, баъзи жойларда, улкан ҳудудларда тут дарахтларини ёппасига қуриб

қолишига олиб келганлиги, шу билан бирга бир қатор энтомофаг ҳашаротлар ёрдамида бу зараркунандага қарши курашишнинг самарадорлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Аммо мамлакатимиз ҳудудларидаги тут етиштириш плантацияларида тут парвонасининг зарари юқори бўлиб, ишлаб чиқилган воситалар ва усулларга қарамасдан унинг иқтисодий ҳавфи юқори бўлиб келмоқда. Шу билан бирга тут парвонаси популяциясининг шаклланиши, уларнинг табиий кушандалари ва миқдорини бошқаришда биологик воситаларни қўллаш бўйича етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, тут парвонасини Андижон вилояти шароитида агробиоценозда тарқалиш ареали, зарарлилик даражаси, айрим биоэкологик хусусиятлари, табиий кушандаларининг тур таркиби, қўллаш технологиялари, кимёвий воситаларнинг тут парвонаси ва ипак куртига таъсирини тадқиқ этиш, тут парвонаси миқдорини бошқаришда микробиологик воситаларни қўллаш, амалий тавсиялар ишлаб чиқиш асосида тутзорларнинг биомассасини сақлаб қолиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, долзарб муаммо ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси бўйича тадқиқотлар Тошкент давлат аграр университетининг КФ5-002 «Ўсимлик зараркунандалари паразитлари ва уларнинг биоценоздаги ривожланиш назарияси» (2012-2016 йй.), ҚХА-9-137-2015 «Ўрмон ва манзарали дарахтлар энтомофаунасини ўрганиш асосида зарарли фитофаг турларига қарши самарали кураш усулларини яратиш» (2015-2017 йй.), ҚХИ-5-105-2014 «Боғ экинларида учрайдиган зараркунандаларга қарши биологик усулни қўллаш ва экологик тоза маҳсулотлар етиштиришни жорий этиш» (2014-2015 йй.) мавзуларидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Андижон вилояти шароитида тут парвонасининг биоэкологик хусусиятлари, ривожланиш динамикаси, зарарлилик даражаси ва табиий кушандаларининг тизимли таҳлили, тут парвонаси миқдорини бошқаришда экологик ҳавфсиз, самарали воситалардан фойдаланиш тизимини яратишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Андижон вилояти шароитида тут парвонасининг биоэкологик хусусиятлари ҳудуд ва навлар бўйича зарарлилик даражасини аниқлаш;

тут парвонасининг табиий кушандалари тур таркибини тизимли таҳлили ва самарали турларини ажратиш;

паразит ва йиртқич энтомофагларнинг тут парвонаси миқдорини бошқаришдаги самарадорлигини аниқлаш;

тут парвонасига қарши биологик фаол моддалар (БФМ)дан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш;

тут парвонаси миқдорини бошқаришда микробиологик воситалардан фойдаланишнинг биологик самарадорлигини аниқлаш;

тут дарахтларида тут парвонаси сонини бошқаришда ташкилий-хўжалик ва айрим агротехник тадбирларнинг аҳамиятини ўрганиш ва такомиллаштириш;

тут парвонаси миқдорини бошқаришда қўлланилган усул ва воситаларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Андижон вилояти шароитидаги тутзорлар ва уларнинг навлари, тут парвонаси, тут парвонасининг табиий кушандалари, тут парвонаси миқдорини бошқаришдаги воситалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида тут парвонасининг ривожланиш хусусиятлари, энтомофагларининг биологияси, биологик воситаларни кўпайтириш ва қўллаш усуллари, тут парвонаси миқдорини бошқаришда қўлланиладиган кимёвий, агротехник ва бошқа усуллар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни амалга оширишда энтомологик, ўсимликларни химоя қилиш услубларидан, тут парвонасинининг биоэкологик хусусиятларини ўрганишда К.К. Фасулати услубларидан, тут парвонаси ва энтомофагларининг тур таркибини аниқлаш, тарқалиши ва зарарини ҳисоблаш ва намуналар йиғишда И.Я. Поляков ва бошқ., Б.П. Адашкевич ва бошқ., Г.Я. Бей-Биенко ва бошқаларнинг услубларидан, зараркунандалар зичлиги ва агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т. Хўжаев, В.Ф. Пересипкин ва бошқа услубларидан, қўлланилган воситаларнинг биологик самарадорлиги W.S.Abbot услубидан фойдаланилди. Тадқиқотдан олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили Б.А.Доспехов, П.Ф. Рокицкий услублари асосида бажарилди. Дала тажрибаларини қўйиш ҳамда феромон тутқичларни ўрганишда Ш.Т. Хўжаев услубларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

илк бор тут парвонасининг тут плантацияларида ривожланиши, популяция миқдорининг ўзгаришига экологик омилларнинг таъсири аниқланган;

тут парвонасининг асосий самарали энтомофаг турлари аниқланган ва тизимли таҳлил қилинган;

тут парвонаси тухумларига қарши яйдоқчиларнинг янги *Trichogramma dendrolimi* турини қўллаш усуллари ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлигига баҳо берилган;

тут парвонаси қуртлари миқдорини бошқаришда самарали микробиологик препаратлар қўлланган ва уларнинг самарали турлари ажратилган;

тут дарахтларини тут парвонасидан химоя қилиш мақсадида агротехник тадбирлар ҳамда феромон тутқичлардан фойдаланиш муддатлари ва усуллари аниқланган;

тут дарахтларини парвонадан захарли бўлмаган воситалар ёрдамида химоя қилишнинг илмий асосланган усул ва воситалари ишлаб чиқилган, уларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:



тут парвонаси популяциясининг ривожланишида экологик омилларнинг таъсири, тут навлари бўйича зарарлаш даражаси аниқланган;

тут парвонаси миқдорини бошқаришда табиий кушандаларининг тизимли таҳлили ўрганилган ва уларнинг амалий аҳамияти аниқланган;

зараркунандага қарши курашда трихограмманинг махсус тури *Tr.dendrolimi* синовдан ўтказилган ва яйдоқчи *Bracon hebetor* паразитини қўллаш муддат ва меъёрлари аниқланган;

зараркунанда миқдорини бошқаришда микробиологик воситаларнинг турлари танланган ва уларни қўллашнинг муддат ва меъёрлари аниқланган ва ишлаб чиқаришга тавсия қилинган;

тут парвонасига қарши курашда ва ундан тут дарахтларини ҳимоя қилишда микробиологик воситалардан Биослип-БТ, 45 млрд/мг, Лепидоцид-БФ, кук. 3000 ЕА/мг, Престиж, суяқ., 3000 ЕА/мл, Вирин ХСУ, сус.к., титр  $1 \times 10^2$  спора/мл. кабилар тавсия этилган;

тут парвонасининг сонини бошқаришнинг самарали тизими ишлаб чиқилган, биологик, гормонал таъсирга эга бўлган воситалар ва усулларни қўллашнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** лаборатория ва дала тажрибаларида замонавий услублардан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги, илмий тадқиқот ишлари чуқур математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги ва натижалар амалиётга жорий этилганлиги билан исботланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Андижон вилояти иқлим шароитида тут парвонасининг биологик ва экологик хусусиятлари, зарар келтириш даражаси, популяция миқдорининг ўзгариши, энтомофаг турларининг систематик таҳлили, янги тур энтомофагларнинг зараркунанда миқдорини бошқаришдаги аҳамияти, тут парвонаси миқдорини бошқаришда турли биологик ва гормонал воситаларнинг самарадорлигини аниқлаш билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тутзорлардаги тут парвонаси миқдорини бошқаришда унинг табиий кушандалари аҳамиятини аниқланганлиги, янги тур трихограмманинг самарадорлигини аниқланганлиги, тут парвонаси миқдорини бошқаришда агротехник, гормонал, микробиологик ва биологик фаол воситаларни қўллаш меъёр ва муддатлари аниқланганлиги ва нокимёвий усуллар ёрдамида тут барглари сақлаб қолиш ва пиллачиликни экологик соф тут барглари билан таъминлаш имконияти яратилганлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тутни парвона (*Glyphodes pyloalis* W.)дан захарли бўлмаган воситалар ёрдамида ҳимоя

килиш тизимини яратиш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари асосида:

тут парвонаси миқдорини бошқаришда экологик ҳавфсиз микробиологик воситалардан *Биослип-БТ*, 45 млрд/мг 2 кг/га, *Лепидоцид-БФ*, кук, 3000 ЕА/мг - 1,0 кг/га, *Престиж*, суюқ, 3000 ЕА/мл - 2,0 л/га ва *Вирин ХСУ* сус.к, титр  $1 \times 10^2$  спора/мл - 0,2 л/га сарф меъёрларда Андижон вилояти Бўз тумани «Илхомжон ипаги», «Абдужабборов Махкамбой», «Сайёрахон хонадраси», «Дилнозахон пиллакор», «Хосиятхон ипаги», «Saidalim Umarov», «Бўзлик Баҳромжон ипаги», Андижон вилояти Балиқчи тумани «Umidjon unumli dalasi», «Modern agriculture», Андижон вилояти Пахтаобод тумани «Ўткиржон Хошимов», «Агроном олим», «Уста хожи» фермер хўжаликлари майдонларида жами 172 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 23 декабрдаги 02/025-4362-сонли маълумотномаси). Натижада тут парвонасининг миқдори 76-86% гача камайтирилган ва биологик самарадорликка эришилган;

тут парвонаси тарқалишининг олдини олишда препаратлардан *Матч* - 1,0 л/га, *Номолт* - 0,3 л/га, *Бинсегард* - 0,5 кг/га, *Альфамилин* - 0,5 л/га ва *Римон Стар* - 0,15 л/га сарф меъёрларда Андижон вилояти Бўз тумани «Илхомжон ипаги», «Абдужабборов Махкамбой», «Сайёрахон хонадраси», «Дилнозахон пиллакор», «Хосиятхон ипаги», «Saidalim Umarov» «Бўзлик Баҳромжон ипаги», Андижон вилояти Балиқчи тумани «Umidjon unumli dalasi», «Modern agriculture», Андижон вилояти Пахтаобод тумани «Ўткиржон Хошимов», «Агроном олим», «Уста хожи» фермер хўжаликлари майдонларида жами 172 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 23 декабрдаги 02/025-4362-сонли маълумотномаси). Натижада тут парвонасининг миқдори тут дарахтларида 81-100% гача камайтирилган, зараркунанда тарқалишининг олди олинган;

тут парвонаси миқдорини бошқаришда табиий кушандалардан фойдаланиш, атроф-муҳит учун безарар химоя чораларини ишлаб чиқиш мақсадида янги интродукцияланган трихограмма *Trichogramma dendrolimi* турини зараркунанда тухумларига ва қуртларига қарши, бракон (*Bracon hebetor* Say.) яйдоқчисини ишлаб чиқилган қўллаш усуллари, муддатлари ва сарф меъёрлари Андижон вилоятининг Бўз, Балиқчи ва Пахтаобод туманлари худудларида жами 172 гектар майдондаги тут плантацияларига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 23 декабрдаги 02/025-4362-сонли маълумотномаси). Натижада зараркунанда миқдорини табиий бошқариш натижасида тут барглари 39,1-43,6 % гача сақлаб қолишга эришилган.

тут парвонаси миқдорини бошқаришда атроф-муҳит ва иссиққонли ҳайвонлар учун заҳарли бўлмаган самарали усул ва воситаларининг иқтисодий кўрсаткичлари ишлаб чиқариш амалиётида фойдаланиш учун тавсия этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 23 декабрдаги 02/025-4362-сонли маълумотномаси). Натижада химоя учун сарфланган ҳар 1 сўм эвазига 3,71–5,06 сўмлик қўшимча маҳсулот сақлаб қолинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда предмети ва объектлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тут парвонаси (*Glyphodes pyloalis* Walker) биоэкологияси, ўрганилганлик даражаси, агробиоценозда улар миқдорини бошқаришнинг долзарблиги (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг тут парвонасининг биологик хусусиятлари, тизимли тахлили, табиий кушандалари, уларни қўллаш усуллари ва самарали турлари, ривожланиш ва зарарлилик даражаларининг ўрганилганлиги, тут парвонасининг миқдорини бошқаришда қўлланилган, яратилган воситалар, усуллар бўйича олиб борган тадқиқотлари ва уларнинг натижалари келтирилган. Илмий адабиётларни тахлил қилишда тут парвонасининг ривожланиши, биоэкологик хусусиятларининг ўрганилганлик даражаси, экологияси ва унга қарши қўлланилган кураш чоралари қайта текшириб чиқиб республикамиз ва дунё миқёсида тут парвонаси миқдорини бошқариш бўйича ишлаб чиқилган усул ва воситаларга изоҳ бериб ўтилган. Тут парвонасининг табиий кушандалари ва уларнинг қўлланилганлик даражаси ўрганиб чиқилган. Бунда ҳар бир (биологик, микробиологик, кимёвий, агротехник) усулнинг моҳиятига алоҳида тўхталиб ўтиб, улардаги афзалликлар ва камчиликлар қисқача баён қилинган. Айниқса тут парвонасининг юртимизга кириб келиши, унинг қандай қилиб тут дарахтининг энг ашаддий зараркунадасига айлангани муҳокама қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ҳудудининг агроиклимий тавсифи, тадқиқот материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида

тадқиқотлар ўтказилган жой, тадқиқот материаллари ва услублари ёритилган. Тадқиқотлар 2016-2017 йиллар давомида Андижон вилояти Бўз ва Балиқчи туманлари тутзорларида ўтказилган. Бунга боғлиқ равишда, диссертацияда мазкур вилоятнинг географик жойлашуви, гидрометеорологик иқлим шароити, тупроқ-иқлим хусусиятлари, шунингдек, тадқиқот натижаларининг математик таҳлил қилиш усулларига қисқача тавсиф келтирилган.

Диссертациянинг «Тут парвонаси (*Glyphodes pyloalis* Walker) популяциясининг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида тут парвонасининг биологик хусусиятларига экологик омилларнинг таъсири, биологияси, биоэкологияси, унинг республикамиз ҳудуди бўйлаб тарқалиш йўналиши ўрганиб чиқилган.

Тут парвонаси популяцияси миқдорининг ўзгаришида экологик омилларнинг таъсири, ҳаво ҳароратининг тут парвонаси турли ривожланиш босқичларининг ривожланишига таъсири аниқланган. Бунда тут парвонасининг турли ҳаво ҳароратларида ривожланиш давомийлиги бўйича олинган тажриба натижаларига кўра тўлиқ бир авлоди +20°C, +25°C, +30°C, +35°C ҳаво ҳароратларида ривожланиши учун сарфланадиган кунлар аниқланган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Тут парвонасининг турли ҳаво ҳароратларида ривожланиш давомийлиги (лаборатория тажрибалари, 2016-2018 йй.)

№	Тут парвонаси ривожланишининг авлодлари	Зараркунанда шакллариининг ҳаво ҳароратига кўра ривожланиш давомийлиги, кун				
		15°C	20°C	25°C	30°C	35°C
1.	Тухумлик даври	8,2±0,3	5,8±0,4	4,3±0,6	3,2±0,4	2,8±0,2
2.	Қуртлик даври	-	22,5±0,7	15,6±0,3	12,2±0,6	10,3±0,3
3.	Ғумбаклик даври	-	13,2±0,6	9,1±0,7	6,7±0,5	5,3±0,2
4.	Имаголик даври	-	18,7±0,2	16,7±0,3	12,5±0,6	9,6±0,4
5.	Бир авлоди учун сарфланадиган кунлар	-	60,2±0,5	45,7±0,4	34,6±0,6	28,0±0,2


Ушбу жадвалдан маълум бўлдики, зараркунанда ривожланиши учун +15°C ҳаво ҳарорати қилиб белгиланганда тухумдан чиққан қуртлар нобуд бўлди, кейинги ҳаво ҳароратларида эса бир авлоди учун 60,2 кундан 28,0 кунгача ривожланиши кузатилди.

Бунда табиатда ўртача кунлик ҳаво ҳарорати +25-28°C ҳисобланиб, ёз ойларида ҳаво ҳароратининг кескин ортиши сабаб зараркунанда популяцияси камайиб боради. Бу жараён сентябрь ойининг бошидан яна жонланади. Зараркунанданинг қуйи ривожланиш бўсағаси +11,2°C, юқориси эса +38°C эканлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари ушбу бобда агробиоценозда тут парвонаси популяциясининг шаклланиши ва зарарлилик даражаси бўйича олинган натижалар таҳлили келтирилган.


Тадқиқотлар Андижон вилоятининг Бўз ва Балиқчи туманларидаги тутзорлардаги тут парвонасининг юқори популяцияга эга ҳудудларида 2016-2017 йиллар давомида олиб борилган. Дастлаб зараркунанданинг ривожланишини кузатиш учун қишлоқдаги авлодлари қайд қилиб борилди. Тадқиқот натижалари мос равишда 1- ва 2-расмларда келтирилган.

Март ойининг иккинчи ярмидан ҳаво ҳарорати  $+22^{\circ}\text{C}$  га ортганида феромон тутқичлар қўйиб борилди. Бунда дастлабки тутқичларга тушган капалаклар 2016 йил май ойининг биринчи ўн кунлигида кузатилган бўлса, 2017 йилда эса апрель ойининг биринчи ўн кунлигида аниқланди. Ушбу йилларда ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари ўртача кўрсаткичлари олинди. Бунда битта феромон тутқичга бир кунда ўртача 0,6 дона капалаклар тушди. Май ойининг биринчи ўн кунлигида улар миқдори ортиб 8,3 донани ташкил этди. Аммо, шунинг билан бирга, май ойининг учинчи ўн кунлигида куртлар миқдори ортиб, битта новдада ўртача 16,4 донани ташкил этди. Бу даврга келиб битта новдадаги барглари зарарланиш даражаси 19,4% ни ташкил этди (1-расм).



**1-расм. Тут парвонаси популяциясининг мавсум давомидаги ўртача миқдори (Андижон вилояти, 2016 й.)**

Мавсум бошида зараркунанда авлодлари капалакларининг учиб чиқиш даври 2016 йилга нисбатан 7-8 кун эрта учраб, бу давр апрель ойининг учинчи ўн кунлиги даврида зараркунанда капалаклари 6,3 донагача бўлиши кузатилди. Май ойининг иккинчи ўн кунлигида капалаклар сони ортиб 9,2 донага етган бўлса, май ойининг учинчи ўн кунлигида битта новдада 15,3 дона курт, зарарланиш даражаси 18,3% бўлди, июнь ойида бу кўрсаткич 3,5 дона капалак кузатилган бўлса, куртлар сони ортиб 16,2 донага етди.



**2-расм. Тут парвонаси популяциясининг мавсум давомидаги ўртача миқдори (Андижон вилояти, 2017 й.)**

Олиб борилган тажрибаларда тут парвонасининг тут дарахти баргига етказадиган зарари миқдори, яъни зарарланиш даражаси баҳоланди. Кузатув тут парвонасининг 2-авлоди тўлиқ етилиш даври оралиғи – апрель ойи, яъни 30 кун мобайнида ўтказилди. Тажриба мобайнидаги кузатиш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Ушбу жадвалдан кўринадикки, зараркунанда сони 1 курт/барг бўлган ҳолида зарарланиш даражаси эса 35,7% ни ташкил қилар экан. Бундан ташқари 1 та дарахтдаги баргларнинг буткул зарарланиши учун 1 та авлод тут парвонаси куртларининг миқдори 3 курт/барг даражасида бўлиши етарли бўлар экан (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Тут парвонаси куртларининг тут баргларига етказган ўртача зарари (Андижон вилояти, Бўз тумани, 2016-2017 йй.)**

Кўрсаткичлар	Тут новдаларининг ўртача узунлиги, см	Барглари		
		1 та новдадаги барглар сони	1 та баргнинг ўртача оғирлиги	Баргларга етказилган зарар миқдори, %
Зарарланган новда (ўртача 1 курт/барг ҳолида)	10,2	18	0,9	35,7
Зарарланмаган новда (назорат)	10,1	28	1,4	-

Шу билан бирга тут парвонаси билан зарарланган тут навларининг қиш даврида совуқ уриш даражаси ҳам ўрганилди. Унга кўра, мавсум сўнгида тут парвонасининг бир тупдаги ўртача миқдори аниқланиб борилди. Бу эса навлар бўйича олинди.

Шунингдек, тадқиқотларда тут навлари бўйича кеч кузда зарарланган худудлар аниқланиб рўйхатга олинди. Бунда рўйхатга олинган ва зарарланган тутларда бир дона баргдаги куртлар сони, бир тупдаги жами куртлар сони, зарарланиш даражаси, новдалар узунлиги каби кўрсаткичлар олинди. Унга кўра бир новдадаги барглар сони ўртача 27,2 дона эканлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, тутларнинг 4 ҳил навларидаги тут парвонасининг зарарлаш кўрсаткичлари аниқланди. Унга кўра, Ўзбекистон навида битта баргда ўртача куртлар сони 1,8 дона бўлган бўлса, бир тупдаги куртлар сони 1338,2 дона эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Агробиоценозда тут парвонаси миқдорини бошқаришда табиий кушандаларнинг аҳамияти» деб номланган тўртинчи бобида тут парвонасининг йиртқич энтомофаг турлари ва уларнинг биологик хусусиятлари ўрганилган. Унга кўра, хусусан 4 та туркум ва 4 та оила вакилларига мансуб бўлган йиртқич паразитлар аниқланди. Тадқиқот натижалари 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Тут парвонасинининг йиртқич энтомофаг турлари ва уларнинг систематик таҳлили (Андижон вилояти, 2016-2017 йй.)

№	Туркум	Оила	Йиртқич энтомофаг турлари	Зараркунанданинг озиқланадиган босқичи
1.	Neuroptera	<i>Chrysopidae</i>	<i>Chrysopa carnea</i> Step. <i>Chrysopa septempunctata</i> Wegm.	Қуртлари, тухумлари
2.	Coleoptera	<i>Coccinellidae</i>	<i>Adalia bipunctata</i> Lin. <i>Adonia variegata</i> Gz. <i>Coccinella septempunctata</i> Lin. <i>Exochomus flavipes</i> Thurb. <i>Coccinella punctata</i> Lin.	Қуртлари, тухумлари
3.	Hemiptera	<i>Miridae</i>	<i>Lydella nigripes</i> Fall. <i>Anastatus disparis</i> Rusch.	Қуртлари, тухумлари
4.	Mantodea	<i>Mantidae</i>	<i>Mantis religiosa</i> Lin	Тухумлари, куртлари ва имаголари

*Neuroptera* туркуми, *Chrysopidae* оиласига мансуб турлардан *Chrysopa carnea* Step., *Chrysopa septempunctata* Wegm.; *Coleoptera* туркуми, *Coccinellidae* оиласига оид *Adalia bipunctata* Lin., *Adonia variegata* Gz., *Coccinella septempunctata* Lin., *Exochomus flavipes* Thurb., *Coccinella punctata* Lin.; *Hemiptera* туркуми *Miridae* оиласининг йиртқич турларидан *Lydella nigripes* Fall., *Anastatus disparis* Rusch. ҳамда *Mantodea* туркуми *Mantidae*

оиласининг *Mantis religiosa* Lin тури учраб зараркунанда тухумлари ва куртлари билан озикланиши кузатилди. Шу билан бирга, энтомофагларнинг бир тупдаги мавсум давомидаги миқдори ўртача ҳисобда кузатиб борилди. Шунга кўра, тут дарахтининг ривожланиш даврида тут парвонаси билан зарарланган дарахтлардаги йиртқич кушандаларнинг ўзаро миқдори аниқланди.

Кейинги тадқиқотларда тут парвонасининг паразит энтомофаглари бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, бунда 2 туркумга оид, 4 та оила вакилларининг 15 тури аниқланди. Аниқланган паразит турлари ҳам табиатда зараркунандага нисбатан кам учради, аммо зараркунанданинг турли ривожланиш босқичларида маълум миқдорда учраши аниқланди. Жумладан, *Hymenoptera* туркуми, *Ichneumonidae*, *Itopectis maculator* F., *Diadegma armilatta* Grav., *Diadegma fenestralis* Holmg., *Scambus brevicornis* Grav. *Braconidae* оиласининг вакилларида *Apanteles vitripennis* Hall., *A. xanthostigma* Hal., *Bracon hebetor* Say., *Macrocentrus delicatus* Cress., *Ascogaster quadridentata* Wesm., *Microdus rufipes* Nees. турлари кузатилди. Ушбу туркум вакиллари асосан тут парвонасининг 4-6 ёшдаги куртларида паразитлик қилиши аниқланди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Тут парвонасинининг паразит энтомофаг турлари ва уларнинг систематик таҳлили (Андижон вилояти, 2016-2017 йй.)

№	Туркум	Оила	Паразит турлари	Хўжайин турининг ривожланиш босқичлари
1.	Hymenoptera	<i>Ichneumonidae</i>	<i>Itopectis maculator</i> F. <i>Diadegma armilatta</i> Grav. <i>Diadegma fenestralis</i> Holmg. <i>Scambus brevicornis</i> Grav.	Куртлари, ғумбаклари
		<i>Braconidae</i>	<i>Apanteles vitripennis</i> Hall. <i>Apanteles xanthostigma</i> Hal. <i>Bracon hebetor</i> Say. <i>Macrocentrus delicatus</i> Cress. <i>Ascogaster quadridentata</i> Wesm. <i>Microdus rufipes</i> Nees.	Кичик ва катта ёшдаги куртлари
		<i>Encyrtidae</i>	<i>Ageniaspis fuscicollis</i> Dalm.	Тухумлари
2.	Diptera	<i>Tachinidae</i>	<i>Ernestiarudis</i> Fl. <i>Nemorilla maculosa</i> Mg. <i>Lydella nigripes</i> Fall. <i>Gonia cilipera</i> Rd.	Катта ва кичик ёшдаги куртлари

Бундан ташқари паразит энтомофаглар ҳам тут парвонасининг асосан тухумлари ва куртларини зарарлар экан. Ушбу паразитларнинг зараркунанда билан зарарланиши табиий ҳолда 11,6% ни ташкил қилиши, тадқиқотларда



тут парвонасининг ихтисослашган паразит турларининг учрамаганлиги ва зараркунанда миқдорининг табиий бошқарилишида энтомофаглар аҳамияти паст эканлиги кузатилди. Шу тариқа зараркунанда миқдорини бошқаришда фақатгина кўшимча энтомофаглари қўллаш орқалигина самарадорликни ошириш мумкинлиги аниқланди.

Бундан ташқари тадқиқотларни давом эттириш мақсадида янги интродукцияланган *Trichogramma dendrolimi* турини тут парвонасининг тухумларида биологик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқотларда трихограмма энтомофаги, хусусан *T.dendrolimi* турининг тут парвонаси тухумларида ривожланиш динамикаси кузатилиб, улар туфайли тухумларнинг зарарланиш даражаси, бир авлодининг ривожланиши учун кетган вақт, урғочи зотининг яшаш даври, жинслар ўртасидаги муносабатлар қайд этиб борилди (5-жадвал).

### 5-жадвал

**Тут парвонаси тухумларида *Trichogramma dendrolimi* энтомофагининг ривожланишидаги биологик кўрсаткичлари (лаборатория тажрибалари, 2017-2018 йй.)**

№ т.р.	Вариантлар	Тухумларни зарарлаш даражаси, %	Бир авлоди учун сарфланган вақт, кун	Урғочи зотнинг ҳаётини узунлиги, кун	Жинслар нисбати ♂: ♀
	Биринчи авлод				
1	1	86,3	8,2	6,7	1:8
	2	88,8	9,4	5,3	1:7
	3	91,2	10,2	6,2	1:6
	Ўртача	88,7	9,2	6,0	1:5
	Иккинчи авлод				
2	1	92,2	9,2	6,1	1:6
	2	85,6	8,8	5,8	1:5
	3	84,4	9,5	5,2	1:6
	Ўртача	87,4	9,6	5,7	1:5
	Учинчи авлод				
3	1	84,4	9,2	5,4	1:6
	2	81,3	8,4	6,3	1:5
	3	80,7	9,3	5,2	1:4
	Ўртача	82,3	8,6	5,6	1:5
	Тўртинчи авлод				
4	1	80,4	9,6	4,3	1:5
	2	81,6	9,4	4,8	1:4
	3	78,4	8,8	3,4	1:5
	Ўртача	80,1	9,2	4,1	1:4
	Бешинчи авлод				
5	1	76,2	9,3	4,2	1:4
	2	74,5	9,7	3,2	1:3
	3	77,2	9,6	5,3	1:4
	Ўртача	75,9	9,8	4,2	1:4

Ушбу жадвалдан кўринадик, трихограмма *Trichogramma dendrolimi* турининг авлодлари тут парвонаси тухумларида бир неча марта ривожланиб, зараркунанданинг пуштдорлиги ва имаголарининг яшовчанлиги қисқа бўлиши кузатилди.

Ушбу тур трихограмма тут парвонаси миқдорини бошқаришда қўлланганда энг юқори 52,0% гача биологик самарадорликка эришилди. Бунда трихограмма турларининг самарадорлиги экологик омилларга боғлиқлиги аниқланди.

Тут парвонаси миқдорини бошқаришда йиртқич энтомофаг олтинкўз ҳам қўлланилиб, уни қўллаш муддати ва меъёри аниқланди. Йиртқич энтомофаглардан олтинкўз (*Chrysopidae carnea*) қўлланган вариантларда эса, энтомофаг ва зараркунанда ўртасидаги нисбат қанчалик яқин бўлса, эришилган биологик самарадорлик ҳам шунчалик кўпроқ бўлганлиги кузатилди. Хусусан бу нисбат 1:20 ҳолида самарадорлик 15-кунга бориб 26,4% ни ташкил қилган бўлса, 1:5 нисбатда бу кўрсаткич 42,7% га етди. Бундан келиб чиқадик, энг юқори самарадорлик 1:5 нисбатда эканлиги аниқланди.

Яйдоқчи бракон (*Bracon hebetor*) паразитининг тут парвонаси етук ёшдаги қуртларига қарши биологик самарадорлиги билан ўтказилган тажрибаларнинг кўрсатишича, турли вариантларга нисбатан энтомофаг ва зараркунанда ўртасидаги нисбат 1:5 бўлганида тут парвонаси қуртларининг зарарланиш даражаси бўйича энг юқори, яъни 79% биологик самарадорликка эришилди. Бу эса юқоридаги энтомофагларни тизим асосида белгиланган муддат ва меъёрларда қўллаш тутзорлардан экологик тоза барг ҳосилини олиш имконини беради.

Диссертациянинг «Тут парвонасига қарши курашда инсон ҳамда атроф-муҳит учун безарар усул ва воситаларни ишлатиш имкониятларини ўрганиш» деб номланувчи бешинчи бобида тут парвонаси зараркунандасига қарши агротехник тадбирлар ва микробиологик препаратларни қўллаш орқали олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тут парвонасига қарши курашда агротехник тадбирларни қўллаш бўйича тут дарахтларида дастлабки тадқиқотлар ҳисобланади. Бунинг учун танасининг кенглиги 10-25 см бўлган ва бир-биридан маълум бир масофада жойлашган дарахтлардаги бир метр новданинг баргларида ўртача 6-8 тагача тут парвонаси қуртлари бўлган 5 тадан дарахт (3 қайтарикда) танлаб олинди. Тажрибалар 5 та вариантдан иборат бўлди.

Агротехник тадбирлар орқали олиб борилган тажрибалардан дориланган алдамчи белбоғдаги новдаларнинг узунлиги назорат вариантыга нисбатан 0,7 м, баргларнинг оғирлиги эса 6,5 гр/м юқорироқ эканлиги аниқланди. Дориланмаган алдамчи белбоғдаги новдаларнинг узунлиги 0,6 м, баргларнинг оғирлиги эса 6,5 гр/м бўлганлиги кузатувлар натижасида тасдиқланди.

Тут парвонасига қарши дарахтлар танасига «алдамчи белбоғлар»ни турли усулларда ишлатиш шу дарахт шохларида муайян пайдо бўладиган

зараркунанда зичлигига деярли таъсир этмас экан. Чунки ҳашаротнинг серхаракат капалакларининг учиб ўтиш қобилияти юқори ва у бундан фойдаланади. Аммо, хўжаликларда бир нечта ёки (ёлғиз) турган тут дарахтлари учун бу оз эмас. У ерларда «алдамчи белбоғлардан», айниқса: «сепаратор» усули билан, ёки «заҳарланган белбоғ» усулини ишлатилганда зараркунанда популяциясининг маълум бир қисмини йўқотиш мумкин.

Демак, ушбу ўтказилган кузатувлар натижасига кўра, дориланмаган алдамчи белбоғдаги қиёсий тахлиллар дориланган белбоғдаги натижаларга жуда ҳам яқин бўлиб, иқтисодий жиҳатдан бу усулнинг самараси юқорирок ва ишлаб чиқаришга тавсия қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Барча микробиологик воситаларга хос хусусиятлардан бири – бу инсектицидларнинг самараси фақат кичик ёшли қуртларга қарши намоён бўлиши билан ифодаланади. Катта ёш қуртларга қарши самара олинмайди. Иккинчи хусусият – бу дориларнинг нисбатан тез парчаланиб кетишида бўлиб, капалак ҳашаротларнинг ҳар бир авлодига қарши 2-3 ишлов ўтказиш кераклиги билан боғлиқ. Ўзбекистонда тут парвонасига қарши замбуруғ ва вирус асосли микробиологик дориларни ҳеч ким синамаганлиги туфайли, юқоридаги изоҳларни маҳсус синаб кўришга қарор қилдик.

Микробиологик препаратлардан: Биослип – 2 кг/га, Лепидоцид – 1,0 кг/га ва Престиж – 2,0 л/га мисолида, уларни ишлатиб тут дарахтларини парвонадан ҳимоя қилиш ҳар тарафлама (хўжалик, иқтисодий ва қолаверса, ижтимоий) самарадорликка эга эканлиги исботланди. Бу дориларни амалий ишлатишга сарфланган ҳар 1 сўм эвазига 3,6-5,4 сўмлик кўшимча маҳсулот (тут барги) сақлаб қолинади; рентабеллик 369-539% га тенг.

Гормонал таъсир этувчи дорилардан 5-таси тут парвонасига қарши дала синовларидан ўтказилди. Булар: Матч 5% эм.к. (люфенурон) 1,0 л/га, Номолт 15% с.к. (тефлубензурон) 0,3 л/га, Бинсегард 25% н.кук. (феноксикарб) 0,5 кг/га, Альфамилин 17,6% сус.к. (альфа-циперметрин+дифлубензурон) 0,5 л/га, Римон Стар 6,5% эм.к. (новалурон+ бифентрин) 0,15 л/га.

Эришилган натижалар қониқарли ҳамда юқори бўлиб чиқди, яъни 15-16 кун орасида 81-100% лик биологик самара олинди. Ушбу инсектицидларни 1 марта июнь ойи ва ундан кейин қўллаш тавсия этилди.

Гормонал дорилар ёрдамида тутларни парвонадан ҳимоя қилиш ҳар томонлама фойдали тадбир эканлиги аниқланди. Июнь ойида ишлов ўтказиш натижасида дарахтлардан 39,1-43,6% кўшимча барглари сақлаб қолинди. Тут парвонаси миқдорини бошқариш учун қўлланилган препаратлар учун сарфланган ҳар 1 сўм эвазига 3,71-5,06 сўмлик кўшимча маҳсулот (барг) олинди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Андижон вилояти шароитида тут парвонасининг қишлаб чиққан қуртлари апрел ойида ғумбаклаша бошлаб, май ойида капалаклари учиб чиқади. Энг паст пуштдорлик ҳамда тухум ва қуртларнинг яшовчанлиги нисбатан паст ҳаво ҳарорати шароитида (+15°C) юз беради; энг мақбули +25-

30°C да. Вилоят шароитида тут парвонаси мавсумда 5-6 авлод бериши аниқланди.

2. Тут парвонасининг энтомофағларининг йиртқичлик ёки паразитлик ҳолда озикланувчи турларига кўра йиртқичлардан кўнғизлар туркумига мансуб доминантлик (42,6%) қилади. Кейинги ўринларни: қандалалар (37,8%), бешиктебратарлар (15,4%) ва тўрқанотлилар (4,2%) эгаллайди.

3. Парвонанинг Андижон популяцияси кушандалари орасида паразитлар 11,6% ташкил қилади. Улар асосан пардақанотли (*Hymenoptera*) ҳашарот туркумига тааллуқли бўлиб: 42,6% ти браконидлар (*Braconidae*), 37,8% ти ихнеумонидлар (*Ichneumonidae*), 15,4% ти тахина пашшалари (*Tachynidae*) ва 4,2% ти энсиртидлар (*Encyrtidae*) оиласига мансубдир.

4. Тут парвонасига қарши илк бор трихограмманинг янги интродукцияланган ўрмон капалақларига ихтисослашган тури – *Trichogramma dendrolimi*нинг лаборатория ва дала шароитларида самарадорлиги аниқланди. Лаборатория шароитида 88,7% гача зарарлади. Кетма-кет ривожланган беш авлод давомида яшаган кушанданинг ҳар авлоди ўртача 9 кунда якунланди, урғочи зотлари 6 кун яшади, жинслар нисбати (♂:♀) 1:5 бўлиши кузатилди.

5. Янги интродукцияланган трихограмманинг *Trichogramma dendrolimi* турини амалий дала тадқиқотларида тут парвонасининг биринчи авлодига қарши трихограммани 3 марта 3 граммдан тарқатилганида 52,0% биологик самарадорликка эришиш мумкин экан.

6. Тут парвонасининг қуртларига қарши бракон (*B. hebetor*) кушандасини 1:20 нисбатда қўлланилганида ўртача 67,2% биологик самара олинди. Бу нисбат 1:5 қилиб белгиланганида самарадорлик 79,0% гача ортди.

7. Тахин пашшаси (*Gonia cilipeda* Rd.)нинг тут парвонасига нисбатан самарадорлиги қониқарли бўлиб чиқмагани туфайли, унинг амалий аҳамиятини тут энтомофаунасининг бир вакили сифатида ҳисоблаш мумкин.

8. Тут парвонасига қарши курашда агротехник чора-тадбирлар сифатида айрим хўжалиқларда ҳамда нисбатан кўп бўлмаган тут майдонлар, тутзорларда «алдамчи белбоғ»лар ёрдамида зараркунанда сонини камайтириш мумкинлиги аниқланди.

9. Тут парвонаси миқдорини бошқаришда бир нечта ҳавфсиз микробиологик препаратлар танланди, уларни қўллаш регламентлари ишлаб чиқилди. Препаратларни июль-август ойларида, зараркунанданинг тухум қўйиш ва ёш қуртлар пайдо бўлганда қўллаш, кейинги синовларни 5-6 кун ўтказиб қўллашда юқори самарадорликка эришилди.

10. Микробиологик воситалар ёрдамида тут ҳимояланганида, ҳар дарахтда ўртача 34,8-41,1% барг ҳосили сақлаб қолинди; ҳимоя учун сарфланган ҳар 1 сўм эвазига 3,69-5,39 сўмлик қўшимча маҳсулот (барг) олинди; рентабеллик 369-539% ни ташкил этди.

11. Тут парвонасига қарши БАВ (биологик фаол моддалар) орасидан 5 та гормонал таъсир этиш хусусиятига эга инсектицид синовдан ўтказилди: *Матч* – 1,0 л/га, *Номолт* – 0,3 л/га, *Бинсегард* – 0,5 кг/га, *Альфамилини* –

0,5 л/га ва *Римон Стар* – 0,15 л/га. Бунда 15-16 кунлар давомида биологик самарадорлик 81-100% ни ташкил этди.

12. Гормонал инсектицидлар ёрдамида тутларни парвонадан ҳимоя қилиш ҳар томонлама фойдали тадбир. Июнь ойида ўтказилган ҳимоя натижасида дарахтларда 39,1-43,6% барг сақлаб қолинади. Ҳимоя учун сарфланган ҳар 1 сўм эвазига 3,71-5,06 сўмлик қўшимча маҳсулот (барг) сақлаб қолинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 05/30.12.2019.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**НОСИРОВА ЗАРИФАХОН ГУЛАМЖОНОВНА**

**РАЗРАБОТКА СИСТЕМЫ ЗАЩИТЫ ШЕЛКОВИЦЫ ОТ ТУТОВОЙ  
ОГНЕВКИ (*GLYPHODES PYLOALIS* W.) С ПОМОЩЬЮ  
НЕЯДОВИТЫХ СРЕДСТВ**

**06.01.09 – Защита растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/Qx304.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Анорбаев Азимжон Раимкулович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Ходжаев Шамиль Турсунович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Бобобеков Каландар**  
кандидат биологических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Научно-исследовательский институт лесного хозяйства**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc. 05/30.12.2019.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 539097) (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2, Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки номер 056 от «20» декабря 2019 года).

**Б.А.Сулаймонов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

**Я.Х.Юлдашов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., профессор

**М.М.Адилов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На мировом рынке шелковое волокно оценивается как дорогое сырье. Китай занимает лидирующие позиции по производству данного сырья и ежегодно производит 158,4 тысяч тонн, Индия – 30,3 тысяч тонн, Узбекистан – 19,2 тысяч тонн и другие страны 2,7 тысяч тонн сырья шелкового волокна, и всего по всему миру составляет 192,6 тысяч тонн<sup>1</sup>. Вместе с тем, на сегодняшний день зарегистрировано более 300 вредных организмов шелковицы, из которых 20 видов являются основными и, ежегодно теряется 34,2% или 4500 кг/га зелёной массы тутовых деревьев.

В мире, при выращивании коконового сырья, листья шелковицы считаются основным видом пищи, в связи с чем качество и объем урожая от них являются основным критерием выращивания коконов тутового шелкопряда. Однако, 37% от выращиваемого урожая теряется за счёт вредителей или применяемые методы и средства в борьбе с данными вредителями являются неэффективными. В частности, в мире основными вредителями тутового дерева являются мучнистая роса (19,21%), трипсы (17,18%), белокрылки (12,62%), щитовки (9,08%) и чешуекрылые (8,24%). В настоящее время актуальной задачей является уменьшение вредоносности этих вредителей за счёт разработки и внедрения в практику экологически чистых методов и средств по сохранению урожая листьев шелковиц.

Занимая высокое положение в мире по производству коконового волокна наша страна в 2019 году производила более 19,2 тонн сырья и экспортировала его на сумму 65,2 млн. долларов США. В увеличении объема производства коконового волокна шелковицы служат основным источником и это в свою очередь требует расширения площадей шелковиц. На сегодняшний день в нашей республике количество шелковиц составляет 43,9 млн. штук деревьев, а занимаемая ими площадь – 43,4 тысяч гектаров. Однако, в период сезона существенная часть листьев шелковиц сильно повреждается тутовой огневкой (*Glyphodes pyloalis* Walker). В этой связи были организованы рабочие группы по борьбе против данного вредителя. Несмотря на то, что тутовая огневка в нашей республике впервые была зарегистрирована в 1993 г., она успела распространиться почти на всех шелковичных плантациях. По борьбе с данным вредителем вели свою деятельность несколько научно-исследовательских институтов и центров и получили определенные результаты по биологическим особенностям и управлению численностью тутовой огневки. Однако, вскармливание гренам определённого количества заражённых листьев шелковицы отрицательно влияет на качество шелка. В стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отмечены приоритетные задачи по «...разработке и внедрению мероприятий защиты растений от болезней и вредителей». В связи с этим, актуальной задачей является дальнейшее

---

<sup>1</sup> Global Silk Industry statistics Sericultural Comission, 2016. <http://inserco.org/statisticis>.



развитие шелководческой отрасли на основе определения и внедрения в практику экологически безопасных методов и средств в управлении численностью вредителя.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, отмеченных в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 148 от 29 марта 2004 г. «О мерах по совершенствованию структуры и повышению эффективности службы защиты растений», Законе Республики Узбекистан № 484 от 9 июля 2018 г. «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан о карантине растений», Постановлении Президента Республики Узбекистан № 4411 от 31 июля 2019 г. «О дополнительных мерах по развитию глубокой переработки в шелковой отрасли», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

